А. Набиев

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

(ЎЛКАНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ)

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари талабалари ва ўрта мактаб тарих ўқитувчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН ИККИНЧИ НАШРИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги тарих фанлари доктори, профессор ***Б. А. Аҳмедов***

1805080000 — 174
Н ——————— 84—91
(04) 353—96
ISBN 5-645-00972-X

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1979.
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996. Тўлдириш ва тузатишлар билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кириш

Бугунги ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораётган шароитда она юртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак.

Ушбу китоб айнан шу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда яратилган. Ота-боболаримиз, аждодларимизнинг ақл-заковати, олтин қўли ила IX — XII асрлардаёқ киши ақли бовар қила олмайдиган даражада нафис ва нозик қилиб ишланган нақшлар қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро ва Хива деворларида ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Ўша давр услуби билан юксак маҳорат кўрсатиб қурилган муҳташам бинолар ва бу бинолардаги Шарқ услубига хос ўймакорлик нақшлари ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Бундай ўймакорлик нақшлари билан бир қаторда ислимий услубда ишланган нақшлар, яъни гул ва новдаларнинг мураккаб услубдаги нақшлари ва ҳозирги кунгача яхши сақланиб келаётган тиллада қорилиб ўйилган бошқа безаклар аждодларимиз юксак санъатининг тимсоли сифатида бугун ҳам ҳаммани лол қолдириб турибди. Қадимги ва ўрта асрлар меъморчилик обидаларини сақлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш ҳозирги замон ёш авлодни, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқларнинг байналмилал дўстлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ўтмиш тарихий ва моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилишнинг ролини ошириш муаммоларини ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Қўлланмада ўзбек халқининг тарихий тараққиёти, маънавий, моддий, тарихий манбаларини «Ўлкашуносликда археологиянинг роли», «Ўлкашуносликда этнография нинг аҳамияти», «Топонимика — ўлка тарихини ўрганишнинг асосий манбаи», «Ўлкашуносликни ўрганишда архившуносликнинг ўрни» ва «Ўлкашуносликни ўрганишда музей экспонатлари» деб номланган асосий беш қисм орқали ўрганишнинг усуллари берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Тарихий ўлкашунослик» ўқув қўлланмаси ҳозирги кунда ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон халқларининг қадимий тарихини, унинг жаҳон тарихий тараққиётига қўшган катта ҳиссасини, ўз бағридан Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Али Қушчи сингари машҳур математиклар, Аҳмад Фарғоний ва Улуғбекдек фалакиёт билимдонлари, Ибн Сино каби табиблар, Наршахий ва Абулғозихон сингари тарихчилар, ал-Форобийдек файласуфлар, Замахшарий каби лингвистларни етиштириб, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини далилий ашёлар воситаси билан исботлаб беради.

Мазкур қўлланма яна шуниси билан аҳамиятлики, унда тарихий, маънавий ёдгорликлар, археологик, антропологик, этнографик, этник, топонимик материаллар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг тарихий, маданий ва меъморчилик ёдгорликлари жаҳон маданий меросининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган гоят катта улушдир. Мана шундай муҳим, нодир, қимматли аҳамиятга молик бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳлил қиладиган фан ҳам «Тарихий ўлкашунослик»дир.

Мазкур ўқув қўлланмаси асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Тарихий ёдгорликлар. Бунга инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиш босқичлари, инқилобий ҳаракат бўлиб ўтган жойлар, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеа жойлари, ўтмишдан қолган қўлёзма асарлари ва шу кабилар киради.

Археология ёдгорликлари. Бунга кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истеҳкомлар, корхоналар, каналлар, шунингдек йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлари, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар ва бошқалар киради.

Шаҳар қурилиши ва меъморчилик ёдгорликлари. Буларга меъморчилик ансамблари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг қолдиқлари: фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотлари киради.

Санъат ёдгорликлари. Бунга монументал, тасвирий,

www.ziyouz.com kutubxonasi

амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари киради.

Ёдгорлик ҳужжатлари. Бунга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлари ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий қўлёзмалар ҳамда архив материаллари, фольклор ва мусиқа ёзувлари, нодир босма нашрлар киради.

Этнографик ва топонимик материаллар. Бунга халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданият, халқларнинг эртак, фольклор, мифологияси ҳамда жой номларининг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганиш киради.


Булар билан бир қаторда тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки бошқа хил маданий қимматга эга бўлган объектлар ҳамда музейда сақланадиган экспонатлар ва улардан ўқув, таълим-тарбия ишларида фойдаланиш услублари, намунавий дарс режалари ўз аксини топган.

Юқоридаги манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш илмий ўлкашунослик тадқиқотчилари, жамоат ўлкашунослиги ва ҳаваскорлари учун ҳам, у ёки бу воқеаларга тавсиф бериш, турли тарихий тушунчаларга аниқлик киритиш учун ҳам кўп зарур маълумот бўлиб хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари ва мактабда ўқитилаётган тарихий ўлкашунослик фани маълум икки мақсадни: биринчидан, ўз ўлкасининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти тарихини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш йўли билан тўпланган археологик, этнографик, топонимик, нодир қўлёзмалар, архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишни; иккинчидан, тўпланган ўлка материалларидан ўқув-тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кўзда тутади.

Ўқув қўлланмасини ёзишда мумкин қадар маҳаллий материаллардан, Ўзбекистон Республикасига доир ўлкашунослик ҳужжатларидан, етук тарихчи олимларнинг асарларидан, архив материалларидан фойдаланиш масалаларини ёритишда Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви ходимлари томонидан тайёрланган картотека ва кўрсаткичлардан, музей экспонантларини ёритишда эса Ўзбекистон тарихи музейи материалларидан фойдаланилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi



1. Ўлкашунослик ҳақида қисқача маълумот

1. Ўлкашунослик турлари
2. Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиши
3. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда рус Шарқшуносларининг роли
4. Рус шарқшунослигининг маҳаллий тарихчиликка таъсири
5. Тарихий ўлкашуносликнинг 1917 йилдан кейинги аҳволи
6. Ўлкашуносликнинг асосий манбалари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ватан ҳақидаги теран фикрлар туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида қуйидагича талқин этилади:

Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

Бинобарин, тупроқ — инсон туғилиб ўсган ўлка, макон, тупроқ — Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини ардоқлаб келаётган Замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб она тупроқ деймиз.

Демак, барча ишлар ўз она тупроғини, ўз она ўлкасини қадрлашдан бошланади. Она тупроғини, она ўлкасини севган кишини эл қадрлайди, дунё танийди... Ўз тарихини она юртдан — она тупроқдан қидирган инсонгина ҳақиқий инсон бўла олади.

Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган бирон ҳам зотни учрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам Ватанни севмоқ иймондандир, деймиз. Зотан, она юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурчдир.

1. Ўлкашуносликнинг турлари

Ўлкашунослик уч турга бўлинади: 1) илмий, яъни давлат ўлкашунослиги; 2) жамоат ўлкашунослиги; 3) мактаб ўлкашунослиги. Ўлкашуносликнинг ҳар учала тури ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

Давлат ўлкашунослиги билан республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш қўмитаси, музейлар, республика Фанлар академияси қошидаги тарих, археология илмий-тадқиқот институтлари шуғулланади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, овул, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қилиш билан бирга жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқишлари (этногенези), урф-одатларини ўрганади, ҳамда илғор меҳнаткашлар, Меҳнат Қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун ҳайкаллар, мангу оловлар, ҳурмат тахталари ташкил қилади. Бундан ташқари, жамоат ўлкашунослигига мустақил равишда танга пулларни ўрганувчи мутахассислар — нумизматлар, муҳрларни ўрганувчилар — сфрагистлар, тамға (герб)-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни ўрганувчилар — геральдистлар, тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган олимлар — эпиграфистлар, эски асбоб-ускуналар ва қурол-аслаҳа ҳамда шу каби нарсаларни тўпловчилар ҳам уюшади.

Мактаб ўлкашунослиги эса мактабларда тарих, инсон ва жамият фани ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил қилинади. Мактаб ўлкашунослигининг аъзолари V — X(XI) синфларнинг энг интизомли ва аълочи ўқувчиларидан тузилиб, улар ўлка материалларини тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда тўплайдилар. Тўпланган археологик, этнографик, топонимик ва архив ҳужжатлари мактаб ўлкашунослик ва тарих музейларида намойиш қилинади.

Мактаб ўлкашунослиги таълим-тарбияни турмуш, ишлаб чиқариш, янги жамият қуриш тажрибаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганади. Ўқитиш жараёнида ўлка материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини билиб олишга, чуқур билим олишга, мустақил ижод қилишга бўлган қизиқишини орттиради ва келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишга ёрдам беради. Мактаб ўлкашунослиги фанлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди ҳамда ўқитувчи зиммасига катта масъулият юклайди. У дастур асосида, ўз аъзоларининг билим даражаси ҳамда ижодий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда (иложи борича мутахассисларнинг маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида) тадқиқот ўтказиш ишининг режаси ва иш ҳажми ҳамда услубини ишлаб чиқади. Ўлкашуносликнинг бутун муваффақияти шу ишга раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг билимига ва ташкил қила олишига боғлиқ. Агар ўқитувчи ўз ўлкасини яхши билса, бу ҳақдаги оғзаки ва ёзма манбаларни мунтазам ўрганиш билан бирга ўқувчиларнинг ота-оналари, кексалар, ўлкашунослик ташкилотининг ходимлари билан суҳбатлар олиб бориб, педагогик маҳоратини ишга солса, ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб боради, ўтилган материалларни тўлиқ ўзлаштириш билан бирга уни ҳаётга ҳам татбиқ қила бошлайди. Натижада ўқувчиларнинг пухта билим олиш билан бирга ўз ўлкасига бўлган меҳр-муҳаббати ортади ва тарихий тасаввури ҳамда тарихий тушунчаси шаклланиб боради.

Мактаб ўлкашунослиги иккига бўлиниб, ўқув жараёнида (ўқув дастури асосида) ва дастурдан ташқари (мактабнинг тарбиявий ишлар режасига асосланган ҳолда) амалга оширилади. Ўқув жараёнида (синфда)

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари ҳам икки мақсадни кўзлайди. Бири — ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топонимик, қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва ўлкашунослик материалларини бир тизимга солиш; иккинчиси — тўпланган ўлкашунослик материалларидан тарих ҳамда инсон ва жамият дарсларида фойдаланиш. Синфда олиб бориладиган ўлкашунослик ишларига барча ўқувчиларнинг иштирок этиши мажбурийдир. Мактабдан ташқари олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари, яъни саёҳатлар, археологик илмий сафарларда Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ҳамда археология институтининг тавсияси билангина шу ишга лаёқатли ўқувчилар ихтиёрий равишда иштирок этадилар. Мактаб ўлкашунослиги тарих ҳамда инсон ва жамият фанларидан олган билимларни ойдинлаштиради, кенгайтиради ҳамда ҳар хил фанларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди.

Мактаб ўлкашунослиги тарихий обидаларни сақлаш ва ҳимоя қилиш, қадимий манзилгоҳларни топишда ҳам катта роль ўйнайди. У жамоа бўлиб яшаш, ишлаш ва ижод қилишга ўргатади. Ўқувчиларда синчковлик, тиришқоқлик, теварак-атрофга ҳавас билан боқиш, тадқиқотга қизиқиш, Ватанни севиш ва уни ардоқлаш ҳислари шаклланиб боради.

Дарҳақиқат, мактаб ўлкашунослиги ўқувчиларда ўз Ватанига меҳр уйғотиш билан бирга, уларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ватанга бўлган меҳр туйғуси ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади. Мактаб ўлкашунослигида ана шундай туйғу шаклланади.

2. Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиши. 1917 йилга қадар ўлкани ўрганиш масаласи.

Рус олими М. В. Ломоносов ўз ўлкасини мукаммал ўрганиш мақсадида 1761 йили 30 саволдан иборат жавоб варақаси тузиб, аҳоли ўртасида тарқатган эди. Айни вақтда бу билан ўлкашунослик фанига асос солинганди. Ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина кейинроқ, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади.

Рус олимлари Ўрта Осиёнинг чоризм тарафидан босиб олинишидан анча илгари бу ўлкани ўрганиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйича бир қанча ишлар қилган эдилар. Бироқ, XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўлкани ўрганиш, яъни маҳаллий тарихчилик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги биқиқликка мос бўлиб, феодал тузум манфаатлари учун хизмат қилар эди. Тарих фанидан феодал синфининг манфаатлари, хонлар ва улар сулоласининг тахтга эгалиги ва «одиллиги»ни мафкуравий жиҳатдан асослаш учун фойдаланиб келинди. Сарой тарихчилари ўзларининг асосий эътиборларини сиёсий воқеликларни хонларнинг фаолияти ва ўз рақиблари устидан қозонган ғалабаларини кўкларга кўтариб мақташ, саройдаги анъаналарни тасвирлашга қаратдилар. Чунки замон ўзи шунақа эди. Натижада бу давр тарихчилигининг мавзуи жаҳон тарихчилиги мавзусидан бир қадар ажралиб қолди. X — XV асрлардаги маҳаллий тарихчилар Муҳаммад Наршахий, Табарий, Рашидиддин, Низомиддин Жомий, Абулғозихон ва бошқаларнинг асарлари ўзининг мазмундорлиги, фактик материалга бойлиги билан бу даврда ёзилган тарихий асарлардан сезиларли даражада ажралиб туради. Шарқшунос А. А. Ромаскевич Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих» номли асари устида сўз юритар экан, ҳақли равишда бу асар ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан муҳимлигини кўрсатиб, биз бу асардан кейин Эрон тарихчилигида воқеаларни бу хилда баён қилиш учун бўлган интилишни кўрмаймиз, деб ёзган эди. Бу Ўрта Осиё тарихчилигига ҳам хос нарса эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи ярмида тарих фани ҳам, бошқа фанлар сингари, ҳукмрон синфнинг манфаати учун хизмат қилди.

XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ёзган «Гулшан ул-мулук» номли асар ўша давр тарихий манбаларидан бири ҳисобланади. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унда қадимги замонлардан то XIX асрнинг 30-йилларигача бўлган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар баёни берилади. Асарда сарой воқеликлари, хукмрон синфлар тарихи, ўзаро урушлар, унда эришилган ғалабалар, хонликнинг кейинги сулоласининг генеалогияси (насабномаси) ифодаланиб, жамиятнинг ривожланишида асосий куч бўлган халқ оммасининг аҳволи, унинг тилак-орзулари, халқ ҳаракатлари ва бу ҳаракатнинг туб моҳиятини ёритишга бўлган интилишни деярли кўрмаймиз.

Яна ўша даврда форс-тожик тилида ёзилган иккинчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

манба Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи амир Насрулло» номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг (1826—1860) топшириғи билан ёзилган. Асар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеаларни, ички ва ташқи воқеликларни тасвирлаш билан бошланиб, амир Насруллонинг ҳокимиятга келиши, унинг дастлабки йиллардаги давлатни бошқаришда тутган сиёсати билан тугалланади. Асарда Бухоро амирлигидаги 1821—1825 йилларда бўлиб ўтган хитой-қипчоқлар қўзголони ва унинг бостирилиши ҳақида сўзланади. Аммо асарда қўзголоннинг асосий сабаблари ва моҳияти очиб берилмаган, бу табиий ҳол бўлиб, сарой тарихчисидан буни кутиш мумкин эмас эди.

Яна шу йўналишда ёзилган тарихий манбалардан бири мулла Ибодулла ва мулла Муҳаммад Шарифлар томонидан форс-тожик тилида яратилган «Тарихи амир Ҳайдар» номли асардир. Асарда аштархонийлар билан манғитлар сулоласи тарихи, амир Ҳайдарнинг отаси амир Шоҳ муроднинг туғилишидан бошлаб, то амир Ҳайдарнинг ўлими (1826) гача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий воқеаларга тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, асарда 1820 йилда А. Ф. Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган элчилик ташрифи тўғрисида ҳам маълумотлар берилган[1].

Муҳаммад Шарифнинг худди ўша даврни акс эттирувчи «Тож ут-таворих» — («Тарихлар тожи») номли асарида манғитлар насабномаси, туркий ва мўғул қабилалари, Чингизхон, унинг авлод-аждодлари, шайбонийлар, аштархонийлар сулоласининг тарихи берилади. Умуман, асар аштархонийлар, айниқса манғитлар сулоласи вақтида Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий воқеликларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

XIX асрнинг 40- йилларида ёзилган йирик тарихий манбалардан бири Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» номли асаридир. Асарда XVIII асрнинг 70- йилларидан то Қўқон хони Умархоннинг вафоти (1822), ундан сўнг тахтга ўтирган Мадалихонгача бўлган даврдаги Қўқон хонлиги тарихига доир сиёсий воқеалар тасвирланган.

---

[1] А. Саъдиев. XIX асрда Туркистонда тарих фани. Ўздавнашр, 1960 й. 72- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳакимхон тўра хон билан бирга юриб, XIX асрнинг биринчи чорагидаги воқеаларга аралашади. У саройдаги фисқ-фужур, вилоятлардаги сиёсий тортишувлар, хонликнинг ташқи ва ички сиёсатини, Бухоро амирлигидаги сиёсий ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб, уларни ўз асарида акс эттирган. Аштархонийлардан сўнг тахтга ўтирган ўзбекларнинг минг сулоласи ҳақида, Умархоннинг ҳукмронлик қилган (1810—1822) вақтдаги сиёсий воқеалар аниқ ва изчиллик билан ифодаланган. Асарнинг қиммати шундаки, Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсати ва ўша вақтдан ўрта осиёликларнинг Россияга берган баҳосини аниқлашда у муҳим ўрин тутади, чунки муаллиф Россияда бўлиб, у ердаги ҳаёт билан бевосита танишган, Россия билан боғланиш масаласида илгор фикрларни баён қилган. Муаллиф ўз асарида 1821—1825 йилларда Бухорода бўлиб ўтган хитой-қипчоқлар қўзғолонида қатнашганларни «хоин кишилар» деб қоралайди. Бу эса муаллиф тутган йўлни яққол кўрсатиб турибди.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбалардан бири мулла Аваз Муҳаммаднинг форс-тожик тилида ёзилган «Тарих жаҳоннумаи» асари бўлиб, ўз кўзи билан кўрганларининг баёни ҳамда тарихий манбалар асосида ёзилган икки китоб ва географик қўшимчадан иборат. Асарнинг биринчи қисмида инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб, то XVI асргача бўлган ҳукмдорлар тарихи берилган.

Асарнинг иккинчи қисмида Қўқон хони Олимхон (1798—1810) ва Умархон (1810—1822) ҳукмронлиги даври сиёсати тўлиқ берилган.

Асарда Бухоро амирининг хитой-қипчоқлар ва қорақалпоқ халқларига нисбатан тутган сиёсати, Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар, рус аскарлари томонидан Самарқанд ва Каттақўрғон ерларининг босиб олиниши, йўл ва иморатлар қурилиши, айрим воқеаларнинг саналари ва ҳ. к. лар берилган. Шу билан бирга, асарда 1842 йили Қўқонда кўтарилган хўжа Қаландар бошчилигидаги қўзғолон, 1847 йилда Тошкент ҳокимига қарши кўтарилган ҳаракат каби муҳим воқеалар ҳақида ҳам сўз боради. Асарда келтирилган бу далиллар тарихни ўрганиш учун муҳимдир. Бироқ бу хилдаги асарлар ўша давр ҳукмрон феодал синф мафкураси руҳида ёзилган бўлиб, унга танқидий кўз билан қараш талаб қилинади.

Қўқон хонлиги тарихчилигида Мулла Ниёз Му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммаднинг «Тарихи Шоҳруҳий» деган асари ҳам диққатга сазовордир. Муаллифнинг бу асари Қўқон хонлигининг XVIII ва XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган тарихига оид муҳим маълумот беради. Бу маълумотлар шу давр тадқиқотчилари учун жуда қимматлидир.

Тошкентдаги Қорёғди маҳаллалик Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг 1880—1885 йиллар орасида ёзган «Тарихи жадида-и Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») номли 1200 бетдан иборат асари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Ўрта Осиёда ўтган уч хонликда ёзилган тарихий асарлардан бирмунча фарқ қилади. Асар форс-тожик тилида ёзилган. У ҳукмдорлар ўртасидаги урушлар тарихидан иборат бўлиб, иккинчи қисми Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихига бағишланган. Бунда муаллифнинг янгича тарих ёзиш ниятида иш бошлагани ва А. Кундан маслаҳатлар олганлиги сезилади. Шунингдек, асарда Қўқоннинг сиёсий ҳаётида устунлик ролини ўйнаган гуруҳлар ва шахслар, Тошкентда бўлиб ўтган сиёсий ҳаракатлар, халқ қўзғолонлари, шу қўзғолонларнинг йўналиши ва сабаблари ҳақида (бу масала бошқа ҳеч бир асарда бунчалик ёритилмаган) муфассал маълумотлар берилган. Бу асар янги давр тарихчилигида янги интилиш эди. Асар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида нодир асарлар қаторида сақланмоқда.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида ёзилган тарихий манбалардан энг муҳими Мунис ва Огаҳийларнинг асарлари ҳисобланади.

Мунис (1778—1829) нинг отаси Авазбий мироб Хива хони Элтузарга қадар ҳам, унинг ҳукмронлиги вақти (1804—1806) да ҳам сарой хизматида бўлади. Элтузархоннинг ҳукмронлиги вақтида Мунис сарой хизматига киради ва хоннинг топшириғи билан ўзининг «Фирдавс ул-иқбол» номли машҳур тарихий асарини ёзади. Элтузархон Шермуҳаммад Мунисга бу асарни Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридан устун қилиб яратишини ҳам уқтиради. Мунис асари ўзбек тилида ёзилган. У Хива хонлигининг XVI — XVII асрлардаги тарихини ёритишда Абулғозининг асарларидан фойдаланади. Хива хонлигининг XVIII асрдаги тарихига оид воқеаларни эса шу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар ва, айниқса, отасининг берган маълумотлари асосида ёзади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги энг

www.ziyouz.com kutubxonasi

муҳим воқеаларни, 1812 йилгача бўлган тарихий воқеаларни тасвирлаш пайтида унга хон томонидан бошқа вазифа, яъни Мирхонднинг машҳур асари «Равзат ус-сафо»ни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиш топширилади. Мунис бу асарнинг биринчи китобини тамомлаб, иккинчисини ёзаётган вақтида тўсатдан вафот этади. Шундай қилиб, у қўлёзманинг таржимасини ҳам, ўз асарини ҳам тамомлай олмайди. Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1864) Хива хони Оллоқули (1825—1842) нинг топшириғи билан асарни давом эттириб, 1827 йилларгача бўлган воқеаларни ёзади. Сўнгра у 1826—1842 йиллардаги воқеалар ёритилган «Риёз уддавла», 1842—1845 йиллардаги тарихий воқеалар ёритилган «Зубдат ут-таворих», 1846—1855 йиллардаги воқеалар ёритилган «Жомиъул-воқеоти султоний», 1856—1865 йиллардаги воқеалар ёритилган «Гулшан давлат» номли асарларни ёзади. Огаҳий «Шоҳиди иқбол» номли бешинчи асарини Хива хони Муҳаммад Раҳимхон даври (1865—1910)га бағишлайди. Аммо бу асар тамомланмай, 1872 йили воқеалари билан тугайди.

Мунис ва Огаҳийлар сарой тарихчилари бўлсалар-да, уларнинг асарлари ўзининг далилларга бойлиги, хронологик изчиллиги, ўзида акс эттирилган сиёсий воқеаларнинг тўлиқ баёни жиҳатдан ўша даврдаги Бухоро ва Қўқон сарой тарихчиларидан бирмунча юқори туради. Хива сарой тарихчилиги ва хусусан Мунис, Огаҳий асарларидаги бу хусусиятни ўз вақтида В. В. Бартольд ҳам «История культурной жизни Туркестана» деган асарида таъкидлаб: «Мунис ва Огаҳийнинг китоблари адабий ва тарихий асар сифатида камчиликларига қарамай, баён қилишнинг тўлиқлиги ва далилий маълумотларнинг сони жиҳатидан бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бўйича битилган асарларни орқада қолдиради», деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг биринчи ярмида маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий асарлар мамлакатнинг хўжалиги, иқтисодий муносабатлар, синфий кураш, халқ ҳаракатлари ва сиёсий воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий илдизларини очиб бера олмаган бўлса ҳам, тарихчиларимиз ўлкани ўрганишда, солномалар тузишда, этнографик ва топонимик материаллар тўплашда бу нодир асарлардан, танқидий нуқтаи назардан қараб фойдаланишлари мумкин. Бу асарлар шунинг учун ҳам 1917 йилга қадар ўлка тарихини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганишда жуда қўл келади. Чунки уларнинг муаллифлари бевосита ўша даврда яшаган, рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўзкўзлари билан кўрган, шунингдек уларни олдинги давр воқеалари билан қиёслаган. Шу нуқтаи назардан бу асарлар муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда рус шарқшуносларининг роли

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор аскарлари тарафидан босиб олингач, бу ерга рус олимлари келиб кўплаб тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шундай мураккаб ва оғир шароитда ҳам ўлкашунослар ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён этишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёга келган олимлар ўлкадаги илғор маҳаллий зиёлиларнинг намояндалари билан яқин алоқада бўлардилар.

Мустамлака маъмурияти Ўрта Осиё халқ оммасининг миллий онгини ўстиришга ёрдамлашишни асло мақбул иш деб билмасди, аксинча, маҳаллий халқ оммаси ўртасида тарихий билимларни бироз даражада кенг тарғиб этиш, улар диққатини қадимги замон ёдгорликларини ўрганишга тортиш ва ҳоказолар чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига фақат зарар етказиши мумкин, деб қўрқарди.

Ҳолбуки, Ўрта Осиёнинг янги-янги ҳудудларида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши, уларнинг Умумроссия иқтисодий тараққиёти йўлига қўшиб юборилганлиги муносабати билан турмушнинг ўзи илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо қиларди. Ўрта Осиёнинг дурустроқ ўрганилмаганлиги мустамлака маъмуриятининг ишларини қийинлаштирди. Илмий тадқиқотлардан баъзи бирлари ўзларининг кўп йиллик тарихига, ўз урф-одатлари, хусусиятлари, турмуш тарзига эга бўлган миллион-миллион Ўрта Осиё халқлари оммасини эксплуатация қилиш тизимини тўғридан-тўғри ушлаштиришга ёрдам бериши лозим эди.

Табиий бойликлари, маданий мероси ғоят бой бўлган ва кам текширилган бу ўлка рус зиёлиларининг тараққийпарвар қисмини жуда қизиқтирарди. Машҳур рус зоологи, зоогеографи ва сайёҳи, дарвинизмнинг эътиқодли тарафдорларидан бўлган Н. А. Северцов (1827—1886) Туркистоннинг кўп жойларини физик-географик

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳатдан ўрганишда, жумладан, Помир тизма тоғларининг орографиясини ўрганишда кўп меҳнат ва куч сарф қилди. Н. А. Северцов саёҳати вақтида зоология, ботаника, минералогия ва палеонтологияга оид жуда қимматли коллекциялар тўплади.

Машҳур рус географи П. П. Семёнов-Тяньшанский (1827—1914) Ўрта Осиё, айниқса Тяншань тизма тоғларининг географик ўрганилишига асос солди. Унинг тўплаган маълумотлари асосида Тяншанда Альп музликлари мавжудлиги масаласи ижобий ҳал қилинди, немис географи Гумбольдтнинг Тяншандаги вулқон ҳодисалари ҳақидаги фикрлари рад қилинди. Тяншанни текшириш рус география фанининг энг муҳим хизматларидан биридир.

Рус табиатшуноси ва сайёҳи А. П. Федченко (1844—1873) Туркистон табиатини ўрганишда катта роль ўйнади. У Фарғона водийси билан Олойни биринчи марта текшириб чиқди; Олой орқасидаги тизма тоғлар ва унинг энг баланд чўққисини очиш шарафи ҳам унга насиб бўлган, у Зарафшон водийси билан Қизилқумни ҳам текшириб чиққан.

Геолог ва географ И. В. Мушкетовнинг (1850—1902) илмий хизматлари ҳам катта. Шимолий Тяншан тизма тоғи орографиясининг геологик асосларини дастлаб у кўрсатиб берди. У Туркистондаги кўпгина фойдали қазилма конларини таърифлаб, „Туркистон минералларининг дастлабки рўйхатини тузиб чиқди. 1877—1879 йилларда Мушкетов геологик текшириш ишларини бажариш мақсадида Олой, Помир, Бухоро, Ҳисорга, Амударё бўйлаб ва Қизилқумга саёҳат қилди. 1880 йилда эса Зарафшон музлигига илмий сафар уюштирди. Мушкетов 1881 йилда (Г. Д. Романовский билан биргаликда) Туркистоннинг биринчи геология харитасини тузди. Ўрта Осиё геология тузилишининг биринчи илмий концепциясини таклиф қилди, уни ўрганиш босқичларини кўрсатиб берди. И. В. Мушкетов ўз тадқиқотларини ва Туркистонни ўрганган бошқа олимларнинг илмий ишларини ўзининг машҳур «Туркистоннинг геология ва орография таърифи» монографиясида умумлаштирган. Бу монографияга ёзилган катта муқаддима тарихшунослик нуқтаи назаридан ёндошилган «Ўрта Осиёни ўрганиш тарихи»га илова қилинган.

Ўрта Осиё тупроғини ўрганишда ҳам рус тадқиқотчи-

910235 Библиотека ТГПИ
www.ziyouz.com kutubxonasi

лари кўп меҳнат сарф қилишган. Машҳур рус олими, ҳозирги замон илмий тупроқшунослигига асос солган В. В. Докучаев (1846—1903) ўзининг кўпгина асарларида бу соҳада дастлабки (1898 йилда) маълумотларни берган.

Ҳарбий топографлар ҳам қунт билан унумли ишлар қилганлар, Туркистон ҳарбий топография бўлими тузилганга қадар (1867 йил) ўлка топография жиҳатидан қарийб бутунлай ўрганилмаган эди. Фақат Каспий ва Орол денгизи соҳилларида, Сирдарё ва Амударёнинг этак томонлари, Балхаш кўли соҳиллари ва бошқа баъзи жойларда бир қадар аниқ ярим инструментал ва кўз билан ўлчанган тасвирга олишлар ўтказилган эди, холос. Ҳарбий топография бўлими олдида табиий контрастлари бир-биридан кескин фарқ қиладиган жуда катта ҳудудни кенг кўламда суратга туширишдек машаққатли вазифа турарди. Бўлим «хизмат юзасидан лозим бўлган» баъзи бир зарур хўжалик ва ҳарбий эҳтиёжларни таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, Ўрта Осиёнинг бош харитасини тузиш ишига киришиб кетди.

Туркистон босиб олингандан кейин ўлкани харитага тушириш ва иқлимини ўрганиш учун илмий база яратиш масаласи туғилди. 1867 йилда Тошкент метеорологик маркази тузилди, бир оз вақтдан кейин шундай марказлардан бир қанчаси бошқа ерларда ҳам вужудга келди.

Тошкентда фалакиётшунослик расадхонаси яратиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилди ва 1874 йилда Руссиядаги энг қадимги Пулково расадхонаси ходимларининг ёрдами билан шундай расадхона очилди. Шарт-шароитнинг қийинлигига қарамай, бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. Расадхона ходимлари ҳозирги Ўрта Осиё республикалари ҳудудида қарийб 870 фалакиёт манзилларини аниқладилар. Расадхона ходимлари ўз ташаббуслари билан илмий-текшириш ишлари олиб бордилар. И. И. Померанцевнинг Фарғона водийсида геоид шакли устида олиб борган текширишлари (1896 йилда), Д. Д. Гедеоновнинг Тошкент кенглигининг ўзгариши ҳақидаги тадқиқотлари (1895—1896 йилларда) диққатга сазовордир. Бироқ кадрлар етишмаслиги ва ажратилган маблағнинг озлиги сабабли расадхона тадқиқот ишларини режали равишда мунтазам олиб бора олмади.

Ўлкани ўрганишда статистика қўмиталари ҳам муҳим роль ўйнади. 1868 йил январда Туркистон статистика

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўмитаси тузилди. Унинг ташаббуси билан 1872 йилдан «Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар» номли тўплам чиқарила бошланди: (1872—1876 йиллар ичида ҳаммаси бўлиб 5 тўплам чиқарилди.) 1887 йил биринчи январдан бошлаб Сирдарё (Тошкентда), Самарқанд (Самарқандда), Фаргона (Янги Марғилонда) вилоятлари статистика қўмиталари тузилди. Қўмиталар вилоятларга хос обзорлар нашр қилиб, уларда «табиий ва ишлаб чиқариш ишлари», халқ хўжалиги, суғориш тизимлари, йўллар, аҳоли ва унинг машғулоти, ўлпон ва солиқлар, маъмурий тузилиш, соғлиқни сақлаш ва маориф, жамоат ободончилиги, об-ҳаво кузатишлари ва ҳоказолар ҳақидаги муфассал маълумотлар берилди. 1886—1913 йилларга оид «Сирдарё вилояти обзорлари» (Тошкент, 1887 -1916 йиллар), 1884—1913 йилларга оид «Фаргона вилояти обзорлари» (Янги Марғилон-Скобелев, 1889—1916 йиллар) нашр қилинган эди. Қўмиталар булардан ташқари яна ўз ишлари ҳақида ҳисоботлар ва бошқа китобларни ҳам нашр қилдирди.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар «Туркестанские ведомости» ҳамда «Туркистон вилоятининг газети» (Тошкент, 1870—1917 йиллар) ва бошқа маҳаллий матбуотда мунтазам босилиб турди.

1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) ўлкани ўрганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Кутубхона ташаббускор библиофиллар (китоб мухбирлари) ва библиографларнинг кўрсатган фаолияти асосида ўлкани ўрганишга доир қимматли асар ва материаллар билан бойиб борди. Кутубхона очилиши вақтида фақат 1700 жилд китоб бор эди, 1917 йилга келиб ундаги китоблар сони 80 минг жилдга етди. Кутубхона фондида сақланаётган адабиёт ва манба мажмуаларидан «Ўрта Осиёга, айниқса Туркистон ўлкасига тааллуқли Туркистон асарлар ва мақолалар тўплами» жуда ҳам қимматли асар бўлиб, шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу тўпламни тузиш ишларини кўзга кўринган рус библиографи В. И. Межов Петербургда 1868 йилдан бошлаб 20 йил давомида олиб борган эди. 1888 йилда «Туркистон тўплами»га кирган катта-катта жилдларнинг сони 416 га етганда (булар 1867—1887 йилларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўпланган материаллар эди) ўлкадаги чор маъмуриятининг буйруғи билан «маблағ йўқлиги сабабли» бу ишлар тўхтатилган эди. В. И. Межов «Туркистон тўплами»га уч китобдан иборат систематик ва алфавит кўрсаткич тузган. 1872 йилда А. Л. Кун ва бошқа шарқшунослар машҳур «Туркистон альбоми» (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касб-ҳунар ва тарихига доир суратли альбом)ни тузиб тамомладилар. Бу нодир асар ҳозиргача ҳам ўз илмий қимматини йўқотгани йўқ. Альбом 1262 дона рангли ва рангсиз фотосуратлар ёпиштирилган 447 картондан иборат бўлиб, Россияда фақат уч кутубхона — император кутубхонаси, Фанлар академияси кутубхонаси ва Туркистон кутубхонасигина фахрлана оладиган, бадиий жиҳатдан ғоят ноёб асар эди.

1917 йилга қадар ўлкадаги илмий жамиятлар томонидан ҳаммаси бўлиб Рус география жамиятининг Туркистон бўлими «Ахбороти»нинг 13 жилди (1898—1917 йиллар), Туркистон археология ва ҳаваскорлар тўгарагининг мажлиси қарорлари ва ахборотларидан 21 тўплам (1896—1917 йиллар), Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти томонидан «Туркистон қишлоқ хўжалиги», журналидан 142 сон (1906—1917 йиллар), «Туркистон деҳқони» журналидан 60 сон (1915—1917 йиллар), Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими «Ахбороти»нинг 6 сони (1908—1909 йиллар), бундан ташқари яна илмий-тиббиёт жамиятларининг кўпгина протокол ҳамда асарлари ва бошқалар босиб чиқарилган эди.

Ўзбекистоннинг ва умуман бутун Туркистоннинг ёдгорликлари кўпдан буён олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келарди. XIX аср давомида осори атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ишлари олиб борилди. Бу соҳадаги ишлар П. И. Лерх, Н. И. Веселовский, В. А. Жуковский, В. В. Бартольд ва маҳаллий туркистоншунослардан М. С. Андреев, В. Л. Вяткин, А. Л. Кун, А. А. Семёнов ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқдир.

Собиқ Туркистоннинг қадимий ёдгорликларини ҳисобга олиш ва текширишга марказдаги илмий муассасалар: император археология комиссияси, айниқса Рус археология жамиятининг Шарқ бўлими, шунингдек, 1903 йил апрелда ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш қўмитаси ҳам эътибор берди.

Рус ҳаваскор коллекциячилари: Баршчевский, Вят-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин, Добромыслов, Кастальский, Комаров, Петров-Борзна, Пославский, Столяров, Терентьев, Трофимов ва бошқаларнинг тўплаган кўпдан-кўп маълумотлари ҳаммага машҳур эди.

Археология йиғмалари 1871, 1874, 1889 йилларда Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада очилган музейларда сақланади.

Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (X аср) асари Н. С. Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1897 йилда нашр этилиши (В. В. Бартольд таҳрири остида) катта аҳамиятга эга бўлди.

Қадимги меъморчилик ёдгорликларидан асосан Самарқанд ёдгорликлари ўрганилди. 1895 йилда Н. И. Веселовский раҳбарлиги остида ва меъмор А. В. Шчусев ва бошқа мутахассислар иштирокида Император археология комиссияси Гўри Амирни меъморчилик, декорация нуқтаи назаридан ўрганиш учун илмий сафар уюштирди. Бу илмий сафар ишларининг натижалари 1905 йилда ажойиб альбом ҳолида нашр этилди[1].

Ўрта Осиё чор Россияси тарафидан босиб олинганидан кейин Ўзбекистоннинг тарихи ва археологиясини ўрганиш билан бирга, бутун ўлкани этнографик жиҳатдан ўрганиш ишлари ҳам бирмунча кенгайтирилди. Бу ишларда шарқшунос мутахассислар билан бир қаторда, ҳаваскор ўлкашунослар ва мансабдорлар, кўпроқ ҳарбийлар орасидан чиққанлар ҳам қатнашдилар. Улар Туркистон ўлка идора органларидаги хизматларининг берган имкониятидан фойдаланиб, халқ турмушини ўргандилар, турли жойларга бориб маҳаллий аҳоли билан алоқа боғладилар.

В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, В. В. Радлов, А. Н. Самойлович сингари машҳур шарқшуносларнинг айрим асарлари этнография нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир. Туркистонда маҳаллий аҳоли орасида ишлаб келган рус шифокорларининг эълон қилган мақола ва маълумотларида ҳам этнографияга оид кўпгина қимматли маълумотлар бор.

Этнографик кузатишлар билан бир қаторда ўзбек халқининг турмуши ва маиший буюмлари (кийим-бош,

---

[1] *Я. Ғ. Ғуломов.* Ўзбекистонда археология. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти, Тошкент, 1956, 7—8-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зеб-зийнат, қурол-яроғ, уй-рўзғор буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари)дан коллекциялар тўплаш ишлари ҳам олиб борилди.

Халқ хўжалигини ўрганиш соҳасида ҳам баъзи ишлар амалга оширилди. А. Ф. Миддендорфнинг «Фарғона водийси» деган асари ва шунга ўхшаш бошқа жуда кўплаб асарлар ҳозиргача ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон аҳолиси таркибини ўрганишга ҳам маълум даражада эътибор берилди. А. И. Пашино, П. С. Назаров, И. И. Краузе каби олимларнинг касб-ҳунар ишларини ўрганишга бағишланган асарлари босилиб чиқди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё гиламларига Россия ва Европа мамлакатлари жуда қизиқиб қолишди. 1908—1909 йилларда А. А. Боголюбов томонидан тузилган альбом босилиб чиқди. Бу альбомда жуда кўп хил гилам нусхалари (кўпроқ туркман гиламлари, қисман ўзбек гиламлари ва бошқалар) кўрсатилган эди. Боголюбов бу альбомда биринчи марта уларни илмий асосда таснифлашга уриниб кўрганди. Боголюбов альбомидан сўнг А. Фалькерзам, С. М. Дудин ва бошқаларнинг Ўрта Осиё гиламларини муфассал таърифлаган китоблари чоп этилди.

Ўлкани ўрганишда зарур талаблар олимлар олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун катта-катта маблағ керак эди. Бироқ ўлкада давлат илмий-текшириш муассасалари деярли бутунлай йўқ эди. Бу ҳам ўлкадаги олимларни, умуман рус зиёлилари намояндаларини Москва ва Петербургдаги йирик олимларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўлкада илмий жамиятлар туза бошлашга ундади. Илмий жамиятларнинг пайдо бўлиши бу ерда маҳаллий туркистоншунос ходимлар пайдо бўлганлигидан ва уларнинг ишларини ўзаро мувофиқлаш зарурлигидан далолат берарди.

Қисқа муддат ичида Туркистон илмий жамиятлари ўлкани ўрганиш тарихида мустаҳкам ўрин олдилар. Булардан баъзи бирлари фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жамиятлар (масалан, Ўрта Осиё олимлар жамияти, илмий-тиббиёт жамияти) бўлса, бошқалари Умумроссия илмий жамиятларининг бўлимлари (Рус география жамияти, Рус техника жамиятининг ҳамда табииёт,

www.ziyouz.com kutubxonasi

археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлимлари) эди.

1870 йилда Ўрта Осиё олимлари жамияти пайдо бўлди. Бу жамият ўз олдига Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси, статистикаси, иқтисодиётига оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тарқатишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг биринчи очиқ мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди.

Шу билан бир вақтда А. П. Федченконинг фаол иштироки билан табиият, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими очилди. Бўлим аъзолари орасида Н. А. Северцов, И. В. Мушкетов, В. Ф. Ошанин каби рус олимлари бор эди. Бўлим 1879 йилда «Табиият, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг хотиралари» деган ўзининг биринчи ва сўнгги асарини босиб чиқарди. Бу тўпламга кирган мақолалар орасида Н. А. Северцовнинг «Помир умуртқали фаунасидан маълумотлар» мақоласи, Н. Б. Тейхнинг ўлка иқлими таърифига бағишланган ишлари ва бошқалар диққатга сазовордир. Бўлим бу жамиятнинг Москвада 1872 йилда ташкил қилинган иккинчи политехника кўргазмасида Туркистон бўлимининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш юзасидан катта ишлар олиб борди. Ўрта Осиё олимлар жамиятида бўлгани сингари, бу бўлим мажлисларида ҳам қимматли илмий ахборотлар ва маърузалар тингланди. Жамиятнинг 1878 йилда В. Ф. Ошанин раҳбарлиги остида ташкил қилинган илмий сафари натижасида Буюк Пётр тизма тоғлари очилди, Муғсув дарёсининг манбаларидаги музлик топилиб, унга А. П. Федченко номи берилди. Маблағ йўқлиги туфайли бўлим жуда катта қийинчиликларни бошидан кечирди ва тахминан 1893 йилда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ўлкада ишлаб турган ҳаваскор археологлар 1895 йилда Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагига бирлашди. Фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари бунда ҳам тадқиқот ишлари режали ташкил қилинмасди, мутахассислар йўқлиги туфайли тадқиқот ишларини олиб боришга имкон ҳам йўқ эди. Археология ишлари асосан ёзув манбаларига қараб қадимги замон ёдгорликларини ўрганишдан, айрим археологияга оид манзилларни текшириб, аниқлашдан иборат бўларди, аҳён-аҳёнда археологияга оид қазишлар ўтказиларди. Туркистон

www.ziyouz.com kutubxonasi

археология ҳаваскорлари тўгараги аъзолари томонидан Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймайлитош деган жойда тошга ўйиб солинган жуда кўп суратларнинг топилиши, машҳур Бия-найман оссуарийлари ва ҳоказоларнинг очилиши фан солномаларига жуда ҳам муҳим илмий кашфиётлар бўлиб кирди.

Тўгарак аъзоларининг тўплаган ҳақиқий маълумотлари, илк марта топган материаллари ундан кейинги тадқиқотчилар учун ёрдамчи маълумот бўлди ва ўтмиш ёдгорликларининг замонлар ўтиши билан йўқолиб кетган кўплаб тафсилотларини, шу ёдгорликлар билан боғлиқ бўлган фольклор ва ёзма манбаларни қайд қилишга имкон берди.

Тўгарак аъзоларининг ўртага қўйган масалалари ва мулоҳазалари, гарчи мунозарали ва замон синовига бардош бера олмаган бўлса-да, ҳар ҳолда бутун давр учун шубҳасиз, катта аҳамиятга эга эди. Уларнинг бу ишлари тадқиқотчилик фикрининг ривожланишига туртки бўлди, унга илмий жамоат диққатини тортди. Машҳур рус шарқшуноси В. В. Бартольд тўгарак ишларига катта ёрдам кўрсатди.

Маҳаллий илмий ходимлардан бир гуруҳи (В. Ф. Ошанин, С. И. Жилинский ва бошқалар)нинг ташаббуси билан 1897 йил бошида рус география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил қилинган эди. Бу жамият бўлими орқали Орол денгизи ва Балхаш кўли, Туркистон музликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш сингари жуда муҳим ишлар олиб борилди. Фойдали қазилмалар қидириб топилиб текширилди, Ўрта Осиёда зилзила сабаблари ва оқибатларини аниқлаш ишлари олиб борилди ва ҳоказо.

Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга каттагина ҳисса қўшди. Жамият ҳозирги замон агрономия билими ва усулларини ташвиқот қилди, пахтачилик, ипакчилик, асаларичилик ва шунга ўхшаш соҳаларга оид янги адабиётлар тарқатди. Жамиятнинг ўлкада янги, яхшиланган ғўза навларини ўрганиш, кашф қилиш ва ёйишда ва умуман, пахтачилик хўжалигини самарали усулда олиб бориш соҳасида қилинган ишларни қайд этиб ўтмоқ керак. Жамият кўпдан-кўп қишлоқ хўжалик-саноат кўргазмалари ташкил қилди, қишлоқ хўжалик ходимларининг съездларини уюштирди. 1900 йилда Тошкентда қишлоқ хўжалик музейи очилди, контрол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

уруғчилик станцияси ва бошқа ёрдамчи муассасалар ташкил этди.

Ўлкада ҳаммаси бўлиб 15 га яқин илмий жамият иш олиб борди (фаол иш олиб бориб, фанда из қолдирган илмий жамиятлар назарда тутилади). Улар геология, география, зоология, ботаника, иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги, саноат), тарих, шарқшунослик, археология, этнография, антропология, илмий тиббиёт ва шу каби билим тармоқлари ва ёрдамчи илмий фанлар соҳасида тадқиқот ишларини олиб борганлар[1].

Мустамлака Туркистон шароитида илмий жамиятларнинг фаолияти маҳаллий аҳоли ўртасиға ёйилмади. Илмий тиббиёт жамиятлари бундан бир қадар мустасно-дир.

Ўлкада Фарғона тиббиёт жамияти (1892—1910 йиллар), Туркистон шифокорлар жамияти (1899—1909 йиллар), Туркистон тиббиёт жамияти (1900—1908 йиллар), Туркистон ўлка тиббиёт, табиатшунослар ва шифокорлар жамияти (1913—1922 йиллар) иш олиб борди. Бу жамиятлар махсус тиббиёт кутубхоналари барпо этди, шифокорлик ишларини ташкил этиш ва яхшилаш масаласини, кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётига зарарли бўлган ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш олиб бориш масалаларини ўртага қўйиб, уларни муҳокама қилди.

Тошкентда, Андижонда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида (гарчи маблағ йўқлигидан жуда оз миқдорда бўлсада) янги тиббиёт марказлари, эркак ва аёллар учун амбулаториялар, касалхоналар очилганлиги, уларда текинга ёки жуда арзон нарх билан маҳаллий аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатилганлиги тиббиёт жамиятларининг хизматидир. Шу тиббий муассасалар ўн мингларча бетобларга хизмат кўрсатди, буларнинг кўпчилиги умрида биринчи марта журъат этиб малакали тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Илмий жамиятлар ҳузурида фаол ўлкашунослар, маҳаллий мухбирлар пайдо бўлди. Масалан, ўтган асрнинг 80—90-йилларидаёқ Туркистонда кўпроқ рус тадқиқотчилари, коллекциячилари ва илмий жамиятларнинг

---

[1] Бу жамиятларнинг фаолияти ҳақида батафсил қаранг: Лунин Б. В. «Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность», Ташкент, Изд-во «Наука», 1962.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъсири остида осори атиқа ҳаваскорлари, қадимги ёдгорликларни тўплайдиган ҳаваскорлар етишиб чиқди. Булар орасида самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллонинг номи алоҳида ажралиб туради. Мирзо Бухорий жуда кўп археологик-нумизматик коллекциялар тўплаган бўлиб, буларнинг бир қисми Эрмитаж коллекцияларига кирган. Ажойиб санъаткор-хаттот Мирзо Барот Мулло Қосимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликлари суратини чизган. Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ эскизини тайёрлаган эди.

А. Л. Куннинг Искандаркўл илмий сафарида қатнашган Мирзо Абдулло Абдураҳмон фанга қадимги тошларга ва қабр тошларига ёзилган хатлар қайд қилинган ажойиб кундалик дафтар қолдириб кетган.

Бухорода қадимги гиламлар, қўлёзмалар, нодир сопол идишлар тўплаган Муҳаммад Вафо тез орада машҳур бўлиб кетди. Ҳаваскор географлардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар Рус география жамияти Туркистон бўлимининг ходимлари бўлиб ишлашарди (Булар ҳақида батафсилроқ маълумот кейинги бандларда берилади).

Туркистон ўлкасида туғилиб ўсган кишилардан анчамунчалари фойдали қазилмалар топиш ва уларни тавсифлаш, қадимги замон ёдгорликларини қидириб топиш ва шу каби ишларда қатнашдилар.

XX аср бошларида ҳам Туркистондаги илмий жамиятлар ўз фаолиятини давом эттирди. Рус география жамиятининг Туркистон бўлими ўлкани табиий-тарихий жиҳатдан ўрганиш, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, иқлимини тадқиқ этиш борасида каттагина ишлар қилди. Жамият бўлими томонидан олиб борилган ишлар орасида Л. С. Бергнинг (1876—1950) тадқиқотлари катта ўрин тутади. У 1899—1903 йиллар ичида Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзалари — Орол денгизи билан Балхаш кўлини тадқиқ қилиб чиқди. 1908 йилда Л. С. Бергнинг «Орол денгизи» деган монографияси босилди. Унда бу катта кўлни ҳар тарафлама ўрганиш натижалари баён қилинган ва улардан хулосалар чиқарилган. Л. С. Берг асарида сув режими ўзгариши ва денгиз сатҳи ўзгариб туриши муносабати билан Амударё ва Оролбўйи соҳилларига аҳоли жойлаштирилишига оид бой тарихий маълумотлар берилган.

Жамият бўлими Туркистон музликларини ўрганиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

соҳасида катта ишлар олиб борди. Г. Б. Леонов Талас Олатови музликларини, Н. Л. Корженевский Селдара ва Қорасел музликларини тадқиқ қилди (булардан биринчисига Федченко номи, иккинчисига Мушкетов номи берилган), В. Г. Городецкий Заилий Олатов музликларини тадқиқ қилди.

В. Ф. Ошанин ўлка ҳайвонот дунёсини тадқиқ қилишни давом эттирди; Н. А. Зарудний Туркистон паррандаларини ўрганди; Б. А. Федченко ва унинг онаси О. А. Федченко ўлканинг ўсимлик дунёсини тадқиқ қилди. Бу ишлар натижасида жамият бўлимининг асарларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 80 хил янги уруғ, тур ва кичик турларини таърифловчи маълумотлар эълон қилинди.

Б. А. Федченконинг 1915 йилда эълон қилинган «Туркистон ўсимликлари» деган асарида Ўрта Осиёда маълум бўлган 5030 дан кўпроқ ўсимлик хиллари кўрсатиб ўтилган.

Туркистонда бўлган зилзилаларни Б. Я. Короленко, Г. Б. Леонов ва бошқалар ўрганган.

Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлимининг фаолияти (1901—1913) ҳам диққатга сазовордир. Бу бўлим ташаббуси билан ўлкада туб жой аҳолининг рус тилини ўрганиши учун бепул кечки курслар ташкил қилинган. Бу курсларда ҳунарманд-косиблар ва шаҳар аҳолисининг қуйи табақасидан бўлган бошқа кишилар ўқиган.

1906 йилда жамият бўлими С. М. Соловьёвнинг «Бошланғич ўқиш учун рус солномаси»ни нашр қилди, буни ўзбек тилига Н. С. Ликошин таржима қилганди. Бу асар 2700 нусхада бўлиб, рус-тузем мактабларига бепул тарқатилди. Бунда, албатта, умумий таълим мақсадигина эмас, шу билан бирга, сиесий мақсадлар ҳам кўзда тутилган эди. Тошкентда шарқшунослик ўқув юрти очиш йўлида қилинган ҳаракатлардан натижа чиқмади.

1907 йилда библиограф И. В. Дмитровский раҳбарлиги остида «Туркистон тўплами»ни тузиш ишлари янгидан бошланди. 1917 йилга қадар тўплам жилдларининг сони 394 га етказилган эди (ҳозир тўплам Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида сақланади[1]). Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бу тўплам жуда ҳам қимматли ва нодир ёдгорлик ҳисобланади. Унда

[1] 1952 йилда Москвадаги Давлат халқ кутубхонасида «Туркистон тўплами»нинг яна 29 жилди топилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



В. В. Бартольд

Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган Шарқ мамлакатларининг тарихи, археологияси, этнографияси, адабиёти, иқтисодиёти, маданият тарихи ва бошқа масалаларига оид кенг маълумотлар бор.

Ўрта Осиё тарихи ва археологияси XX аср бошидан чуқурроқ текширила бошланди. Бунда биринчи ва раҳбарлик ўрнида, шубҳасиз, ғоят билимдон олим, машҳур шарқшунос академик В. В. Бартольд (1869—1930) турган эди. У шарқ тилларини яхши билганидан ҳамиша унинг илмий фаолияти марказида турган Ўрта Осиё тарихинигина эмас, шу билан бирга, бутун «мусулмонлар Шарқи» тарихига ҳам оид жуда кўп биринчи манбаларни пухта ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Унинг «Туркистон мўғуллар хуружи даврида» (1898—1900 йиллар) сингари асарлари пухта тўпланган, тадқиқ қилинган, асл нусхали маълумотларга бойлиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг ўтмишини ўрганишда фанга қўшилган ғоят катта ҳиссадир. В. В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг замони», «Туркистоннинг суғориш тарихига доир» номли асарлари ва бошқа кўп китоб, мақола, тадқиқот ва мулоҳазалари ғоят қимматли ва ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлардир. В. В. Бартольдда катта ташкилотчилик қобилияти ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Ўрта Осиёнинг тарихи ва археологиясини ўрганиш соҳасидаги бирон каттароқ тадбир В. В. Бартольд иштирокисиз бўлмаган.

Полковник А. Г. Серебренников тўплаган Ўрта Осиёни забт этиш тарихига оид 70 та катта-катта жилддан иборат маълумотлар Ўрта Осиёнинг 1839 йилдан 1876 йилгача ўтган давр тарихини ўрганишда маълум даражада қизиқарли манбадир. Булар Петербург, Москва, Оренбург, Тифлис ва Омск архив маълумотлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосида танлаб олинган. Булардан фақат 14 жилди нашр қилинган, холос.

Маҳаллий археологлардан В. Л. Вяткиннинг (1869–1932) ишлари диққатга сазовордир. Бу олим 1908 йилда Самарқанддаги машҳур Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини очди, Самарқанд ёдгорликларини ўрганиш ва сақлаш билан шуғулланди, қадимги Афросиёб қўрғони ва унинг атрофларини тадқиқ қилди.

В. В. Бартольд ўзининг 1894 йилда босилиб чиққан «Туркистонда археологик тадқиқотлар масаласига доир» китобида ўлкани жиддий равишда ўрганиш ҳали олдимизда турибди, бу ишда бош ролни маҳаллий илмий кучлар ўйнамоғи лозим, деган эди. Унинг таклифи билан 1895 йили октябрь ойида Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ва унинг низоми тасдиқланди. Низомда жумладан шундай дейилган эди:

1. Туркистон ўлкасидаги қадимги ёдгорликларни ўрганиш; а) уларни таърифлаб, ўлканинг археологик харитасида акс эттириш; б) археологик ёдгорликларни сақлаш; в) ҳудуд эгаларининг рухсати билан ундаги археологик ёдгорликларни қазиш; г) археологик материалларни нашрга тайёрлаш. 2. Тўгарак фахрий ва ҳақиқий аъзолардан ҳамда ҳамкор (ходим)лардан тузилади. 3. Тўгаракнинг ҳақиқий ва ҳамкорлик аъзолигига маҳаллий археология масалалари билан қизиқувчи, унга аъзолик бадалларини тўлаб турувчи ҳар бир киши сайлана олади. Сайланувчиларнинг унвонига, келиб чиқишига, миллатига ва жинсига қаралмайди. 4. Ҳақиқий аъзолар ўз ичидан бир йил муддатга бошқарма сайлайди. Бошқарма раис, котиб ва хазиначидан иборат бўлади. 5. Бошқарма тўгаракдаги ишларни олиб боради, қайси ёдгорликни қазиш, тадқиқ қилиш кераклигини аниқлайди, маҳаллий идоралар ва Россия археология комиссияси билан алоқа ишларини олиб боради ва ҳоказо. 6. Тўгаракнинг умумий мажлисларига ҳар бир қизиқувчи киши қатнаша олади. 7. Тўгаракнинг бўлимларини бошқа шаҳарларда ҳам очиш мумкин. 8. Тўгарак маблағи ҳақиқий аъзолар, ҳамкорлар тўлайдиган бадаллардан ҳамда археология ҳаваскорлари томонидан бериладиган ҳадялардан ташкил топади[1].

Тўгаракка Туркистон генерал-губернатори ба-

[1] *А. Сағдиев.* XIX асрда Туркистонда тарих фани. Ўздавнашр, 1960 йил, 72-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рон Б. А. Вревский фахрий раис қилиб сайланганди. Тўгаракнинг 108 аъзоси бўлиб, булар ичида В. В. Бартольд, Д. М. Левшин, Н. С. Ликошин, К. В. Аристов, В. Ф. Ошанин ва бошқа машҳур кишилар ҳам бор эди. Тўгаракда илғор кайфиятдаги рус зиёлиларининг таъсири кучли эди. Улар Ўрта Осиё тарихи ва қадимги ёдгорликларга ҳурмат билан қараб, жиддий илмий-текшириш ишларини жонлантириб юборган эдилар.

4. Рус шарқшунослигининг маҳаллий тарихчиликка таъсири

Рус шарқшунослиги ўзининг ғоят катта илмий фаолияти билан маҳаллий тарихчиликка шубҳасиз катта таъсир кўрсатди. Рус шарқшунослари Ўрта Осиё тарихи юзасидан жиддий тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, бу ишга ерли тарихчи ҳаваскорларни ҳам жалб қилиш, улар билан ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилди. Туркистонга келган шарқшунослар маҳаллий тарихчи ва ҳаваскорлар ўртасида юриб ва яшаб, Ўрта Осиё тарихи ҳақида муҳим маълумотлар ва асарларни тўпладилар ва шу ҳақда тушунтириш ишлари олиб бордилар. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли ўзининг «Тарихи жадида-и Тошканд» деган асарида Искандар тўра исмли бир рус олимининг уйига келгани, у билан суҳбатлашгани ва Ўрта Осиё тарихига оид кўп саволлар бериб, баҳслашгани ҳақида ёзади. Искандар тўра аслида Александр Кун бўлиб, маҳаллий халқ қадимдан Александр исмини Искандар деб аташади. Фақат А. Куннинг эмас, балки Ўрта Осиёга келган барча шарқшуносларнинг ҳам халқ орасида юриб тарихга оид саволлар бериши, айрим масалалар юзасидан баҳслашишлари ҳамда уларга йўл-йўриқлар кўрсатишлари, шубҳасиз, ерли халқлар ўртасида тарихга қизиқиш ҳиссини оширди. Бундай баҳслашувлар, савол-жавоблар маҳаллий халқ ўртасида «диний тус берилган» археологик ёдгорликлар ва тарихий ҳодисаларни аниқлашга, уларнинг сирини очишга ёрдам берди.

Ўша вақтда нашр қилинган «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» ва бошқа газета саҳифаларидаги маҳаллий тарихчи ва ҳаваскорлар томонидан ёзилган ёдномалар, ёдгорликлар ҳақидаги кичик-кичик хабарлар ва мақолалар, археологик коллек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

циялар рус шарқшуносларининг маҳаллий тарихчиликка самарали таъсир кўрсатганлигини ва ерли халқ орасида ҳам тарихга қизиқиш авж олганлигини кўрсатади. Рус шарқшунослиги бу туйғу ва интилишларни қизғин қарши олиб, қўллаб-қувватлаганлиги Туркистон тарихчилигининг ривожланиши учун янги саҳифа очиб берди.



Сатторхон Абдуғаффоров

Сатторхон Абдугаффоров ҳам рус шарқшунослигининг бевосита таъсири остида тарихчилар қаторидан ўрин олган. У 1876 йили Петербургда чақирилган III халқаро шарқшунослар съездига А. Кун, Жўрабек, тошкентлик Муҳаммадқулов, Абдулла Ниёзов ва бухоролик Мусажон Саиджоновлар билан бирга Туркистон вакили бўлиб қатнашади. У Туркистонга русларнинг келиши билан ўлкага рус фани ҳам кириб келганлигини таъкидлаб, бу орқали Туркистон дунё фанидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишига ишонч билдирди. У ўзининг бу нутқи билан съезд қатнашчиларининг диққатига сазовор бўлди. Рус тилини қунт билан ўрганган Сатторхон рус тилида «Россиянинг истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк» номли асарини ёзиб, «Туркестанские ведомости» газетасининг 1892 йил 26, 36- сонида ва 1893 йил 61- сонида бостирди. Асарда Қўқон хонлигининг маъмурий бўлиниши, бошқарув идоралари, шаҳар ва қишлоқдаги амалдорлар, уларнинг ҳуқуқлари, ҳоким ва бекларнинг меҳнаткаш халққа нисбатан тутган сиёсати, гуноҳкорларга бериладиган жазолар, қўшиннинг тузилиши, шунингдек, синфий курашлар, яъни Хўжанд ва Ўратепада хонликка қарши кўтарилган қўзғолонлар, Тошкент ҳокими Мирзааҳмадга қарши халқ қўзғолони ва унинг қўзғолончилар талабига рози бўлиши, Қўқон хонлигининг чор Россияси тарафи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан босиб олиниши каби масалалар ёритилган. Маҳаллий ўзбек тарихчисининг рус тилида шундай бир тарихий асар билан майдонга чиқиши рус шарқшунослигининг бевосита катта таъсирини кўрсатади. Бу асар рус шарқшунослиги учун ҳам катта аҳамиятга эга эди.

Рус шарқшунослари, жумладан, Н. И. Веселовский раҳбарлигида Акром полвон Асқаров каби ҳаваскор тарихчи ва археологлар етишиб чиқди. Акром Асқаров Тошкентнинг Россия томонидан босиб олинганига қадар Қўқон қўшинида ноғорачи эди. Тошкент босиб олингач, у 1870 йилларда Тошкентда ташкил қилинган кўргазмаларда фаол қатнашди. Шарқшунослар таъсирида Туркистондаги ёдгорликларга қизиқиб қолади. Ўзининг ҳаваскорлиги ва қизиқувчанлиги билан бора-бора Туркистондаги фан аҳлига танила бошлайди. Акром Асқаров 1884 йилда археологияга оид қазиш ишлари ўтказиш мақсадида Туркистонга келган профессор Н. И. Веселовскийга ёқиб қолади, ёрдамчи сифатида у билан бирга Бухорода, Фарғона водийсида ва бошқа жойларда ўтказилган археологияга оид тадқиқотларда қатнашади, тез фурсатда археология билимини ўзлаштириб олади. Шунинг учун ҳам у Н. И. Веселовскийнинг «тез фурсатда археологияга оид ишларни ўзлаштириб олди» деган юксак баҳосига сазовор бўлиб археология соҳасида маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан бирдан-бир фан арбоби — амалиётчи билимдон сифатида танилди. Акром Асқаров Н. И. Веселовскийдан Туркистондаги археологияга оид ёдгорликларнинг қайси бири муҳим ва қайси бири устида иш олиб бориш зарурлигини сўраганда, у унга маълум кўрсатмалар бериб турди. Н. И. Веселовский Туркистондан кетгандан кейин Акром Асқаров бир неча йил мустақил равишда археологияга оид тадқиқот ишлари олиб борди. Унинг фаолияти ҳақида маҳаллий ва марказий матбуотда ҳеч нарса ёзилмаган бўлса-да, аммо унинг тўплаган бой ва қимматли археологияга оид ашёлар тўплами ўша йиллар давомида ниҳоятда самарали ва кенг кўламда иш олиб борилганидан далолат беради. Акром Асқаров 1891 йилда вафот этгач, унинг бой археологияга оид ашёлар тўплами жуда эҳтиётлик билан Петербургга олиб кетилиб, ҳозир ҳам Давлат Эрмитажида сақланмоқда.

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1892 йил 31- сонида босилган профессор Эварницкийнинг «Акром Асқаровнинг археологияга оид ашёлар тўплами» номли

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақоласида берилган маълумотга кўра, ашёлар тўпламида 17 дона олтин пул, 1370 дона кумуш пул, 13 274 дона мис пул, неолит даврига оид тош болға, жездан ясалган сулуғ, жез ойна, жез искана, жез кетмонлар (мотига), турли жойларда тўпланган сополдан ясалган одам ҳайкаллари, бир бўлак нефрит, исирға, крест (бут), балдоқ, тумор, мис, сопол идиш ва шунга ўхшаш тарихий буюмлар бўлган. Акром Аскаровнинг фан учун қимматли бўлган бу ашёлар тўпламига профессор Н. И. Веселовский ҳам катта баҳо берган эди. Россия археология жамияти 1887 йилда унинг археология соҳасидаги хизматларини тақдирлаб, уни кумуш медаль билан мукофотлади. Ўзи тўплаган тарихий буюмларнинг тарихнинг қайси даврига оид эканлигини идрок қила олмаган бўлса-да, оддий бир ўзбекнинг ўша вақтда тарихий нодир буюмларнинг фан учун катта аҳамиятга эга эканини тушунгани ҳолда, фан учун то умрининг охиригача тинмай хизмат қилиши рус шарқшунослиги фаолиятининг самараси бўлиб, бу рус шарқшунослиги учун ҳам, маҳаллий тарихчилик учун ҳам янгилик ва фойдали иш эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан Қўқон хонлиги, Наманган ва Тошкентда яшаган, ўзбек халқининг тарихи, тилини ва урф-одатларини ўрганишда Владимир Петрович Наливкиннинг (1852—1918) ҳам қўшган ҳиссаси каттадир.

Унинг илмий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихи, тилини ва этнографиясини ўрганишдан бошланди. У рафиқаси М. В. Наливкина билан ҳамкорликда «Фарғона маҳаллий аҳолиси аёлларининг турмуши ҳақида очерк» деган китоб ёзди. В. П. Наливкин рус олимлари ичида биринчи бўлиб, маҳаллий тилларни ўрганиб, маҳаллий тарихчилар қўлёзма асарларини ўрганган ва шулар асосида «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» ва «Русча-сартча ва сартча-русча луғат» ҳамда «Интиҳоб ут-таворих мамлакати Русия» («Россиянинг қисқача тарихи») китобларини ва 40 дан ортиқ илмий асарлар, мақолалар ёзган. Маҳаллий халқ тилини жуда мукаммал билганлиги сабабли уни ерли халқлар Жаҳонгир тўра деб атаганлар, у ҳам бир неча асарини Жаҳонгир тўра номи билан чоп этган.

Унинг 1885 йилда Жаҳонгир тўра номи билан ёзилган «Интиҳоб ут-таворих мамлакати Русия» номли асари бунинг ёркин далилидир. Муаллифнинг «Бу фақир... забони ночор ва сухони ожиз бирлан таворих китоблари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг таҳриридаги воқеаларни интиҳоб айлаб кўп тафсили келтирмай ижмоли бирла мухтасар баёнини қилардики, Русия мамлакатининг пайдо ва бино бўлганидан то охир замонигача мазкур вилоят ичра ўтган ҳодиса ва воқеликларни тасниф қилғай»[1], — дейишидан маълумки, у ўз асарини кўп адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзган. Бу асарнинг ерли аҳолини Россиянинг ўтмиш тарихи билан таништириш мақсадида ўзбек тилида ёзилиши ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган бир ҳодиса эди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 20-йилларига қадар олимлар ва туркшунос ҳаваскорларнинг кучлари билан Ўзбекистон ўлкасини ўрганишга доир анчагина материаллар тўпланган. Бироқ буларнинг орасида узуқ-юлуқ ва тасодифий материаллар анчагина бўлиб, кенг, илмий асосда умумлаштирилмаган эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини илмий асосда ўрганиш фақат асримиз бошларида ва ундан кейинги йилларда самарали ва фидокорона иш олиб бориш натижасида яратилди ва у янада чуқурлаштирилди.

5. Тарихий ўлкашуносликнинг 1917 йилдан кейинги аҳволи

Қадриятимиз ўз ўлкамиз тарихини ўрганишдан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида биз ёш авлодга ўтмишимиз тарихини ўргатишда жуда катта чалкашлик ва хатоликларга йўл қўйиб келдик.

1917 йилгача яшаган шарқшунос олимлар ва маҳаллий тарихчиларнинг ўлкани ўрганишга бағишланган асарлари унутилди. Ўлка билан бевосита шуғулланганлар миллатчилик тамғасига дучор бўлдилар.

Собиқ ССЖИ Халқ таълими вазирлиги томонидан дорилфунунлар ва педагогика олий ўқув юртлари тарих факультетлари учун тавсия этилган «СССР тарихи» (1-том, энг қадимги замонлардан 1861 йилгача, ҳажми 70, 71 босма табоқ) дарслигида «Ўрта Осиё ва Қозоғистон»

---

[1] *Жаҳонгир тўра.* «Интиҳоб ут-таворих мамлакати Русия». Фарғона, 1885, 1-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган мавзуга атиги ярим варақ жой берилганлигини қандай баҳолаш керак?

Она диёримиз — ўлкамиз тарихини ўрганишга ёки шу вақтларга қадар тарихимиз ривожига муносабат шуми?

X — XII асрлардаёқ Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон жаҳоннинг энг маданиятли ўлкаларидан бири бўлган. Бу ерда машҳур математик, фалакиётшунос, тарихшунос, файласуф ва табобат илмининг машҳур намояндалари етишган, уларнинг нодир қўлёзма асарларининг баъзилари республикамиздаги Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтларининг ҳужжатхоналарида ҳозирга қадар ўрганиш учун навбат кутиб ётибди.

Юқорида тилга олинган 32 бобдан иборат дарсликнинг 186-параграфида деярли тамоман Россиянинг Европа қисми тарихи ёритилган бўлса, Ўрта Осиё, Кавказорти, Қора денгиз бўйларидаги давлатларда феодализмнинг ташкил топиши мавзулари юзасидан ҳар бири 2,5—3 варақдан иборат 8 та сийқаси чиққан маълумот берилган, холос.

Дарсликнинг биринчи бўлимида «Ибтидоий жамоа тузуми» деган мавзу бор. Унда Россиянинг Европа қисмида палеолит, мезолит, неолит, энеолит даврларига доир манзил ва маконларнинг камлиги собиқ ССЖИ тарихи учун мисол бўла олмаганлиги ҳамда ўша ҳудудда қулдорлик тузуми ва унинг ривожига оид маълумотларнинг камлиги сабаблигина Кавказорти ва Ўрта Осиё танлаб олинган.

Бир мисол. Ўзбекистон ҳудудида мезолит (ўрта тош) даври милоддан аввалги 12 минг йилликдан 5 минг йилликкача давом этган бўлиб, ўша вақтда ибтидоий тасвирий санъат бошқа жойлардагига қараганда анча ривожланган. Ғорларда яшаган одамлар қоя тошларга қизил бўёқ билан нақш чизиб ёки ўйиб ёзиб, ажойиб ов манзараларини қолдириб кетганлар. Бундай нодир санъат обидалари Сурхондарёда Зараутсой, Жиззахда Такатош, Бухорода Сармиш, Қораунгурсой, Тошкент воҳасида Қоразов, Хўжакент, Паркент ҳудудларидан топиб ўрганилганлиги ҳақиқат. Бу Ўзбекистон халқларининг ибтидоий жамият тарихини ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжатдир.

Термиз яқинидаги Айритомда тошга ўйилган бўртма расмлар, Хоразмнинг қадимги пойтахти — Тупроққалъадан чиққан ҳайкалу деворга ишланган расмлар ҳамда Сурхондарёдаги Холчаён, Далварзин тепадан топилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

гил ва ганчдан ясалган ҳайкаллар ўлкамиз халқлари қадимдан ўзига хос бетакрор усуллар билан юксакликка кўтарилган тасвирий санъат маданиятини аллақачон яратганлигини кўрсатади. Аммо бундай нодир топилмалар ўлкамиз фарзандларига таништирилмади.

1917 йилга қадар ўлкамизда ҳар хил фанларнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келган анчагина маҳаллий кишилар фойдали қазилмалар топиш ва уларни таърифлаш, қадимги замон ёдгорликларини, осориатиқаларни ўрганиш каби ишларни амалга оширганлар. Бундай ажойиб кишиларнинг номлари кейинчалик эсдан чиқариб юборилган. Масалан, ўлкамизда минерал бойликлар қидирган, қўрғошин ва феруза конларини топган хўжандлик Мулла Санғин, Чимкентда ўлкадаги биринчи рус-тузем мактабини очишда фаоллик кўрсатган, Қўқон шаҳар мактабида ишлаган ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»да масъул муҳаррирлик қилган, Туркистон муаллимлар семинариясида ўзбек ва форс тилларида дарс берган, 1876 йилда Петербургда ориенталистлар III халқаро конгрессида маъруза қилган, ўлкадаги туб жой аҳоли орасида дунёвий билимларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Саттархон Абдуғаффоров, ўзбек археологияси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган, нумизматик коллекциялар тўплаган, ҳозиргача бой коллекцияси Давлат Эрмитажида тилга олинмаган самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллоларнинг номлари унутилди. Ваҳоланки, шу истеъдодлардан бири — ажойиб санъаткор-хаттот Мирзо Барот Мулло Қосимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликларининг расмини чизган, Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ чизмасини тайёрлаган эди.

А. Л. Куннинг Искандаркўл илмий сафарида қатнашиб, фанга қадимги тошларга ва дахма тошларига ёзилган хатлар қайд қилинган жуда ажойиб кундалик қолдирган Мирзо Абдулло Абдураҳмонни ҳам унутдик.

Тарихий ўлкашунослик фанининг содиқ ташкилотчиларидан бир Акромполвон Асқаров жуда ажойиб ёдгорликлар — Ўрта Осиёда энг қадимда зарб этилган танга-чақалардан 15 мингдан кўп коллекция тўплаган. Акромполвон археология фанига кўрсатган хизматлари учун Рус археология жамиятининг нишони билан мукофотланган. У Тошкентда 1890 йилда очилган Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноати кўргазмасига олий навли ғўза, пилла ва хом ипак, пилла қурти боқишда энг яхши нав деб топилган тут навларини қўйган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бухорода қадимги гиламлар, қўлёзмалар, нодир сопол идишлар тўплаган Муҳаммад Вафо жуда машҳур бўлган. Ҳаваскор-географлардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар Рус география жамияти Туркистон бўлимининг жонкуяр ходимлари эди. Жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган мана шундай юзлаб ажойиб олимлар фаолиятини, уларнинг асарларини ҳозиргача ўрганилмай келинишини изоҳлаб бўладими? Бас, шундай экан, ҳозирги ёш авлод қадимги танга пулларнинг зарб этилиш тарихи, унинг аҳамияти ва савдо ривожидаги ўрнини билиб олмас экан, ҳозирги пулларнинг ҳам моҳиятини тушунтириб бера олмайди. Нумизматика фанига бўлган қизиқиш жуда паст. Жумҳуриятимиз ҳудудидан топилган қадимги ва ўрта асрга оид танга пуллар кўпгина номаълум қадимги шаҳарлар «ёши»ни аниқлаб олишда катта ёрдам беради. Масалан, Бухоро, Термиз, Кат, Қува ва бошқа жойларда зарб этилган олтин, кумуш ва мис танга пуллар шу ҳудудда ташкил топган Хоразм, Канха, Фарғона, Даҳия, Кушан, Сўғд, Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва бошқа подшоликларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини, айниқса бу давлатлардаги пул ҳамда ташқи ва ички савдо муносабатларини ўрганишда жуда қимматли ашёвий далил бўлиб хизмат қилади. Шуниси ачинарлики, 1917 йилдан сўнг то ҳозирги кунимизгача ўлкашунослик фани ўлкамиз тарихини даврма-давр ўрганишдан ибора́т ўз вазифасини бажармай, кўпроқ Россиянинг Европа қисмидаги ўлкаларни ўрганиш билан машғул бўлиб келаверади. Биз эса индамадик. Ўрта Осиё халқларидан бошқа деярли барча халқлар ўз тарихини озми-кўпми биладилар. Биз эса рус князларини, рус давлатини, Москванинг ташкил топиши ва унинг биринчи князи Юрий Долгорукий 1147 йилда Москвага асос солганини биламиз-у, аммо ўз она диёримизда милоддан олдинги III асрда Грек-Бақтрия давлатига асос солиб, биринчи танга зарб этган Диодот ҳақида ўйлаб ҳам кўрганимиз йўқ.

Она диёримизни араб босқинчиларидан ҳимоя қилган Ҳаким ибн Ҳошим (Муқанна) бошчилигидаги қўзғолон хусусида чала-чулпа маълумотга эга бўлган халқимиз Хоразмда арабларга қақшатқич зарба берган ажойиб қаҳрамон Хоразм шоҳи ёки Самарқанд ҳокими Гуракларнинг Қусам ибн Аббосга қарши олиб борган шиддатли жанглари, Шоҳи Зинда ансамбли билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқ тарихий афсоналар ҳақида тасаввурга эгами? Йўқ, албатта.

Ўзбек мактабларида ўқувчиларимизга Дмитрий Донский ва унинг қаҳрамонлиги, рус давлати, иқтисодиёти, ички ва ташқи сиёсатини мароқ билан тушунтириб берсак-да, IX — X асрларда дунёга машҳур бўлган Сомонийлар давлатида етишиб чиққан илм-фан дарғалари-ю, ўз шеърияти билан жаҳон афгор оммасини ҳайратга солган Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз каби забардаст даҳолар ҳақида деярли ҳеч нарса демаганмиз. Улар Шарқ поэзиясининг асосий хусусиятларини белгилаб берган бўлсалар-у, уларнинг ижодий фаолияти билан ўқувчиларни таништирмасак, нима деган одам, қандай ўлкашунос олим бўламиз?

Ўша давр илм-фанини жаҳонга таратган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби мутафаккир олимлар ҳаёти ҳамда ижоди тараққийпарвар инсоният томонидан ўрганилса-ю, биз нега ўрганишимиз мумкин эмас? Мана эндигина мустақилликни мустаҳкамлаб бориб, мактаб дастурларига алломалар ва қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятларини киритаётирмиз.

Ўлкамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганда ўзбек тилининг қадимги тил эканлигини исботлаб беришда асосий манба Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг нечоғли улкан аҳамияти бор эканлиги озми-кўпми маълум бўлса ҳам бу даҳо мутафаккир ернинг думалоқлигини исботлаб, дунё хритасини чизиб қолдирганлиги ҳақидаги маълумотни ўрганишнинг вақти келмадимикин?

Ҳозирги кунда ўлкашунослик фани олдида қуйидаги энг масъулиятли вазифалар турибди: кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги саёҳат мазмунини тушунтирувчиларга тўғри илмий йўналиш бериш; вилоят, воҳа ва водийлардаги ўлкашунослик музейларига маълумотнома ва йўл кўрсаткичлар тайёрлаш; вилоят, воҳа ва водийлардаги ҳамда жумҳурият марказий архивидаги ҳужжатларни ўрганиш; Шарқшунослик илмгоҳи ва Қўлёзмалар илмгоҳида сақланиб турган 5000 дан ортиқ нодир қўлёзма асарларни ўрганиб, уларни аҳоли кенг оммасига етказиш.

Ушбу вазифалар амалга оширилса, мустақил давлатимиз Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарварларини тарбиялаб етиштиришга муносиб ҳисса қўшилган бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Ўлкашуносликнинг асосий манбалари

Ўлкашунослик беш асосий манбага: археология, этнография, топонимика ва архив ҳужжатлари ҳамда музей материалларига таяниб иш тутади.

Қишлоқ, район, шаҳар ёки вилоят ҳудудининг тарихини ўрганишда шу манбалардан бирортаси ҳам диққат-эътибордан четда қолмаслиги лозим, бусиз ўлка тарихини мукаммал ўрганиб бўлмайди.

Ўша беш манбадан бири бўлган археология тўғрисида гап борганда, аввало мактаб тарихи курсининг қайси қисмида, қайси синфда ва қандай қилиб, қачон археологияга оид материаллардан фойдаланиш мумкин деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Чунончи, V синф тарихи курсида Ўзбекистон халқларининг энг қадимги ибтидоий жамоа даври: одамлар тўда ҳолда яшаган давр, она уруғи (матриархат) даври, она уруғининг ривожланиши, калтаминорликлар чайласи, ота уруғи (патриархат) даври, темирнинг тарқалиши, сугоришнинг келиб чиқиши давридан бошлаб, қулдорлик жамияти, феодализм даври, ниҳоят XVIII асрнинг иккинчи ярмида феодализмнинг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишигача бўлган жуда катта тарихий давр ўз ифодасини топган. Демак, бу курсда айрим мавҳум тарихий тушунчалар ҳақида ўқувчилар маълум тасаввур ҳосил қилишида, тарихий фактларни ишонарли қилиб тушунтиришда археологияга оид материаллардан ўринли фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ўқув қўлланмада «Ибтидоий жамоа даври» қисқа берилганлиги туфайли сўнгги йилларда яратилган баъзи асарлар ҳамда турли илмий адабиётлардаги хулосалар асосида Ўзбекистонда ибтидоий жамоа даврини қуйидаги майда даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ибтидоий тўда даври.
2. Она уруғи (матриархат) даври.
3. Она уруғининг ривожланиши.
4. Калтаминорликлар чайласи.
5. Ота уруғи (патриархат) даври, темирнинг топилиши ва хўжаликда ишлатила бошланиши даври.
6. Сунъий сугоришнинг келиб чиқиши ҳамда қулдорлик жамияти ва ниҳоят, феодализм даври Ўзбекистон мисолида беш манба — аввал археология, этнография, топонимика, архив ҳужжатлари, сўнг музей экспонатлари орқали тартибли равишда баён қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi